

ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА – ПРОЦЕССУАЛ ТЕЗКОРЛИК ВА ТЕЖАМКОРЛИК КАФОЛАТИ

Кадирова Мохигул Хамитовна

Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси доценти, ю.ф.н.

E-mail: m.kadirova@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7471655>

Аннотация: Мақолада видеоконференцалоқа тушунчаси ва ҳуқуқий асослари таҳлил этилган. Жиноят процессини рақамлаштириш мақсадида судгача ва суд босқичида видеоконференцалоқадан самарали фойдаланишга доир таклиф ва тавсиялар илмий асослантилган.

Калит сўзлар: процессуал тезкорлик, тежамкорлик, тергов ва процессуал ҳаракатлар.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сонли Қонуни билан жиноят процессида видеоконференцалоқадан фойдаланиш йўлга қўйилган бўлиб, унинг юридик табиати, ҳуқуқий асослари ва процессуал аҳамиятини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади. ЖПКнинг 91¹-моддасида сўроқ қилиш, шахслар ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш каби тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш қоидаларининг белгиланиши жиноят процессини рақамлаштиришнинг илк элементлари амалда жорий этилганлигидан дарак бериб, кодексга биноан, ушбу тергов ҳаракатлари қуйидаги асосларда видеоконференцалоқа режимида ўтказилади:

1) шахсининг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда;

2) жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлашда;

3) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда;

4) тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда.

Айни дамда хорижий тажрибага разм солсак, ўзгача тартибнинг белгиланганлини кузатишимиз мумкин. Ҳозирда Англия, Германия, Шотландия, Канада, АҚШ, Австралия, Янги Зеландия, Италия, Финляндия, Сингапур, Ҳиндистон каби узоқ шарқ ва ғарб мамлакатлари ҳамда барча МДҲ давлатлари жиноят процессида видеоконференцалоқадан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган бўлиб, у турли ҳужжатларда турлича тартибга солинган. Жумладан, 1982 йил биринчи бўлиб Германияда, сўнг

1990 йил Англияда, 1995 йил Шотландияда, Канада, Эстония, Украина жиноят процессуал қонунларида гувоҳ ва экспертларни сўроқ қилиш ва халқаро ҳуқуқий ёрдам воситаси сифатида; Беларусия ЖПКда судда ҳозир бўлишдан озод этиш асослари сифатида; Арманистон ЖПКда замонавий рақамли технологиялар рўйхатида акс этган бўлса; Қозоғистон ЖПКда тергов ва суд ҳаракатлари юритилишида ҳамда апелляция ва кассация босқичида фойдаланилиши; Ҳиндистонда гувоҳ ва қамоқда сақланаётган айбланувчини сўроқ қилишда қўлланилиши қатъий белгиланган. Жумладан, Янги Зеландия ва Ҳиндистонда далилларга таъриф беришда видеоалоқа ва телефон конференцияси асосида далиллар олиниши қоидалари ҳам мустаҳкамланган. Шу ўринда олимлар фикрига кўра, видеоконференцалоқа орқали тергов ва процессуал ҳаракатларини ўтказиш асосларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга¹:

Англияда видеоконференцалоқадан фойдаланиш талаб этиладиган ҳолатлар қонунда қатъий белгиланган бўлиб, улар қуйидагиларни ташкил этади:

- 1) махсус тергов Бюроси томонидан фирибгарлик ишлари бўйича;
- 2) масофадан туриб гувоҳлик бериш зарур бўлган ҳолларда;
- 3) вояга етмаган гувоҳ ва жабрланувчиларни сўроқ қилишда;
- 4) касал ва ногиронларни сўроқ қилишда².

Италияда эса видеоконференцалоқадан фойдаланиш талаб этиладиган ҳолатлар қонунда қуйидагича белгиланган:

- 1) гиёҳвандлик модалари билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича;
- 2) процесс иштирокчиларининг муҳофазасини таъминлашда;
- 3) қамоқда сақланаётган айбланувчини сўроқ қилишда;
- 4) жазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумларни сўроқ қилишда;
- 5) суд маслаҳатхонада далилни қайта текшириш ёки гувоҳни эшитишда;
- 6) дастлабки эшитувда;
- 7) судьянинг жазони ижро этиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда;
- 8) ташқи кўриниши жисмоний ўзгартирилган шахсларни сўроқ қилишда.

Австралияда қуйидаги ҳолатлар белгиланган:

- 1) вояга етмаганларга қарши содир этилган жинсий жиноятларда;
- 2) болалар порнографияси бўйича иш юритишда;
- 3) хориждаги гувоҳларни сўроқ қилишда.

Финляндияда қуйидаги ҳолатлар мустаҳкамланган:

¹ Артамонова Е.А. Отдельные проблемы производства допроса свидетеля и потерпевшего путем использования систем видеоконференцсвязи в современном уголовном процессе // Администратор суда. 2012. №1. –С. 14-16.

² Маълумот учун: Англияда 50дан ортиқ касалхоналар видеоконференцалоқага мос замонавий рақамли технологиялар билан жиҳозланган.

- 1) касаллик ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда;
- 2) далилнинг ишончлилигига шубҳа бўлмаса;
- 3) сўроқ қилинувчи ёки унинг яқинлари муҳофазаси талаб этилганда;
- 4) шахс 15 ёшга тўлмаган ёхуд руҳий ҳолатида нуқсонли бўлса.

Россияда 2001 йилдан кассацияда, 2002 йилдан қамоққа олишга санкция беришда, судловга тегишлилик ўзгарганда ҳамда 2010 йилдан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашда видеоконференцалоқадан фойдаланиш, видеоёзув ва видеобаённомалаштириш жорий этилган.

АҚШда 2002 йилда “XXI аср суд процесси” лойиҳаси ишлаб чиқилиб, дастлаб Массачусетс штатида 3 та қитъа судлари видеоконференцалоқа ўрнатган бўлиб, сўнгра барча штатларда ва процесснинг барча босқичларида қўлланилиши йўлга қўйилган.

Бу борада, С.Желтобрюхов фикрича, жиноят процессида асосан, сўроқ қилиш ва юзлаштириш учун видеоконференцалоқадан фойдаланиш мумкин³.

А.Мартынов, Е.Кравец, Н.Шуваловлар эса, видеоконференцалоқа орқали нафақат сўроқ қилиш, балки таниб олиш, гувоҳлантириш, экспертиза учун намуналар олиш, эксперимент, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, процесс иштирокчиларини процессуал ҳужжатлар ва эксперт хулосалари билан таништириш каби тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказишда фойдаланиш мумкин⁴.

В.Родивилина ҳам, видеоконференцалоқа орқали жиноят ишини юритишга масъул шахслар масофадан туриб ҳуқуқий ёрдам кўрсатиши, тергов ва процессуал ҳаракатларни ўтказиши ҳамда баённомаларни расмийлаштириб, электрон рақамли воситалар орқали етказиб бериши имкониятлари мавжуд⁵, дейди.

С.Щерба, Е.Архиповалар, ушбу рўйхатга кўздан кечириш ва экспертизани ҳам киритиш мумкинлигини ва унинг процессуал

³ Желтобрюхов С.П. О необходимости предоставления органу предварительного расследования возможности применения видеоконференцсвязи на стадии досудебного производства // Российская юстиция. 2016. №1. –Б. 61-64.

⁴ Мартынов А.Н., Кравец Е.Г., Шувалов Н.В. Организационно-тактический модуль дистанционных следственных действий // Криминологические проблемы правоохранительной деятельности: труды Академии управления МВД России. –М. 2017. №4 (44). –С. 125-129.

⁵ Родивилина В.А. Некоторые вопросы применения видеоконференцсвязи в досудебном производстве // Вестник Иркутского государственного технического университета. –И. 2005 №2 (97). –С. 278-281.

имкониятларини амалда синалган хорижий тажриба билан илмий асослашади⁶.

Н.Салаевнинг, айнан тергов ва процессуал ҳаракатларни шу тартибда ўтказиш учун мамлакатимизда барча тергов ҳибсхоналари ва жазони ижро этиш муассасалари видеоконференцалоқа ускуналари билан жиҳозланган⁷, деган фикрлари айни муддао.

Келгусида видеоконференцалоқа режимида ўтказишга рухсат этилган тергов ҳаракатлари доирасини янада кенгайтириш, яъни гувоҳлантириш, эксперимент, кўздан кечириш ва кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш⁸ каби тергов ҳаракатларини ҳам видеоконференцалоқа режимида ўтказиш мумкинлигини ҳамда унинг асосларини ЖПКда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Жумладан, ЖПКнинг 91¹-моддаси 1-қисмини:

“Тергов ҳаракатлари (сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш, **гувоҳлантириш, эксперимент, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, кўздан кечириш, тақдим этилган ашёлар ва ҳужжатларни қабул қилиш**) шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоятнинг ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин. Видеоконференцалоқа жараёнида тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини тўғридан-тўғри трансляция орқали бевосита кузатиб боради”.

Миллий қонунчилик ва амалиётимиз самарадорлигини ошириш ҳамда тергов-суд фаолиятига видеоконференцалоқани кенг жорий этиш процессуал муддат ва харажатларни тежаш имконини беради. ЖПКнинг 91¹-91⁴-моддаларида тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш асослари, шартлари ва тартиби баён этилганлигидан келиб чиқиб, аввало тартибни тушунтиришдан олдин унинг ёрдамчи усул эканлигини қонунда мустаҳкамлаш мақсадида ЖПКнинг 91-моддаси 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Далилларни қайд этиш учун баённома тузиш билан бир қаторда овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвир, фотосуратга тушириш, қолиплар тайёрлаш,

⁶ Щерба С.П., Архипова Е.А. Применение видеоконференцсвязи в уголовном судопроизводстве России и зарубежных стран: опыт, проблемы, перспективы. Монография. –М.: Юрлитинформ, 2016. –Б. 50-58.

⁷ Н.Салаев. Жиноятларни фош этиш фаолиятини такомиллаштиришнинг муҳим омили. Жиноий одил судлов. –Т. 2020. №10. –Б. 9-10.

⁸ Маълумот учун: бу Англия, Германия, Шотландия, АҚШ, Канада, Эстония, Австрия, Швеция, Италия, Янги Зеландия, Финляндия, Беларусия, Украина, Арманистон, Хитой, Ҳиндистон ЖПКларида мустаҳкамланган.

нусхалар олиш, режалар, схемалар тайёрлаш, **видеоконференцалоқадан фойдаланиш** ва ахборотни акс эттиришнинг бошқа усуллари қўлланилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, суд далилларни мустаҳкамлашнинг бу усуллари қўлланишга кўмаклашиш учун мутахассисларни жалб этиши мумкин”.

Шу жумладан, видеоконференцалоқа билан боғлиқ қоидаларни такомиллаштириш, яъни унинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш ҳамда бунинг учун ЖПКнинг 91²-модда 1-қисмини қуйидагича мустаҳкамлаш зарур:

“Тергов ҳаракатлари қуйидаги ҳолларда видеоконференцалоқа режимида ўтказилади:

- 1) шахснинг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга бевосита келиш имкониятидан маҳрум қилувчи касаллиги, ногиронлиги бўлганда;
- 2) жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганда;
- 3) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда;
- 4) тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда;
- 5) вояга етмаганларни сўроқ қилишда;
- 6) ушлаб турилганлар, қамоқда ёки уй қамоғида сақланаётганлар ёхуд жазони ижро этиш муассасасидагиларни сўроқ қилишда;
- 7) дастлабки эшитувда;
- 8) хорижий давлат сўровномаси бўйича ҳуқуқий ёрдам беришда”.